

**VI – VIII АСРЛАРГА ТЕГИШЛИ ПАНЧ ҲУКМДОРЛИГИ  
ТАНГАЛАРИ  
МОНЕТЫ ПРАВЛЕНИЯ ПАНЧА VI-VIII ВЕКА  
COINS OF THE PANCH RULE OF VI-VIII CENTURIES**

ЎзРФА Миллий Археология маркази  
1 курс доктаранти  
**Аллабергенов Нурбек**

**Аннотация.** Ушбу мақолада VII-VIII асрларда, яъни қарийб бир аср давомида Панч ҳукмдорлиги бошқарувчилари нумизматик материаллар келтириб ўтилган. Шунингдек, VII-VIII асрларда танга зарбида муайян бир ҳукмдорлик номи акс этмаган бир қатор Ўрта Осиё воҳа ҳукмдорликларидан фарқли ҳолда Панч тангаларининг барчасида “Панч ҳукмдори...” деган жумла учраши таҳлил қилинган. Қолаверса, Суғд воҳасининг тангалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари, Билга тангалари, Панч ва Самарқанд тангалари, “жамук” шакллари, нумизматик материаллар.

**Абстрактный.** В данной статье приводятся нумизматические материалы администраторов Панчского королевства в VII-VIII веках, то есть на протяжении почти столетия. Также, в отличие от ряда среднеазиатских оазисов, где имя конкретного правителя не нашло отражения в чеканке монет в VII-VIII веках, во всех Панчах анализировалось словосочетание «Правитель Панча...». Кроме того, были выделены монеты Согдийского оазиса.

**Ключевые слова:** согдийские документы Горы Муг, монеты Бильга, монеты Панча и Самарканда, формы «джамук», нумизматические материалы.

**Abstract.** In this article, the numismatic materials of the administrators of the Panch kingdom in the VII-VIII centuries, that is, for almost a century, are cited. Also, in contrast to a number of Central Asian oases where the name of a specific ruler was not reflected in the minting of coins in the VII-VIII centuries, the phrase "Ruler of Panch..." was analyzed in all of the Panch coins. Moreover, the coins of the Sughd oasis were highlighted.

**Key words:** Mugh Mountain Sogdian documents, Bilga coins, Panch and Samarkand coins, "jamuk" forms, numismatic materials.

**КИРИШ.** Суғд воҳасининг асосий сув манбаи бўлган Зарафшон дарёсининг юқори ҳавзасида жойлашган ва тадқиқотчилар томонидан “Шарқий Суғд” деб ҳам юритиладиган Панч ҳукмдорлиги илк ўрта асрларда шаклланган воҳа ҳукмдорликлари – мулкликлардан бири сифатида билинади. Давлатчилик тарихи милоддан олдинги сўнгги мингйилликнинг VII – V асрларига бориб тақаладиган Самарқанд, Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларидан фарқли ўлароқ Панч ҳукмдорлигига муайян бир сиёсий уюшма сифатида анча кейинги даврларда – илк ўрта асрларнинг V – VI асрларида юзага келган, деб қаралади.

**МЕТОДОЛОГИЯ.** VII – VIII асрларга тегишли хитой йилномалари ва суғдий ҳужжатларда илк бор маълумотлар учраган Панч шу асрлардан бошлаб Суғд воҳаси ва ҳатто Ўрта Осиё сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тута бошлайди. Буни VIII асрнинг бошларига оид Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидаги маълумотлар, араб ва форс тилли манбалардаги айрим қайдлар ва нумизматик материаллар тасдиқлайди. Улардан англашилича, Панч ҳукмдорлари Чакин Чўр Билга (693-709), Деваштич (709-722) бошқарувлари даврида ва ҳатто улардан бирмунча олдин ҳам Суғд ҳукмдорликлари орасида ўзига хос ўрин эгаллаб, VIII аср бошларида Турк хоқонлиги бошчилигида арабларга қарши тузилган ҳарбий иттифоқда етакчилардан бири бўлган (Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А., 2014. – Б. 81-82.). Айниқса, А-14, Б-17, Б-18 ва яна бир қатор Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида ҳукмдор Деваштич арабларга қарши курашда турк хоқони, Фарғона ҳукмдори ва Чоч тудунига мурожаат қилгани кўзга ташланади (Grenet F., de la Vaissiere E., 2002. – P. 155–196.).

Панч ҳукмдорлигида VII аср ўрталаридан бошлаб танга зарб қилингани маълум (Смирнова О., 1981. – С. 15.). Хусусан, Смирнованинг Панжикент ёдгорлигидан топилган нумизматик материаллар бўйича ёзган

тадқиқотларида ушбу ҳукмдорликка тегишли 4 та танга тури келтириб ўтилган. Хусусан, унинг 1963, 1981 йилларда нашр қилинган каталогларида Панч тангалари ва уларнинг тарихий аҳамияти ҳақида бирмунча кенг тўхталиб ўтилган. Қуйида археологик қазилар жараёнида Панжикент ёдгорлигининг 1960-1980 йилларгача аниқланган нумизматик материалларини О.И. Смирнованинг каталоглари асосида келтирамиз (Смирнова О.И., 1963. – С. 92-97).

1- жадвал. Панч ҳукмдорлиги тангалари

№	Танга тури (ҳукмдор исми ёки унвони асосида)	Танга расми	Топилган ёдгорлик, қатлам	Нашр қилинган тадқиқот
1	Хукмдор Чамукъан тангалари. <i>рпсу</i> <i>MR'Yn</i> <i>'cm'wky'n</i> “Панч хукмдори Чамукъан”		VII асрнинг биринчи ярми. Панжикент	Смирнова 1963:91-92, №342-355
2	Хукмдор Билга тангалари. <i>γωβ</i> <i>рпсу</i> <i>MRΥ'</i> <i>βуду'n / βудк''</i>		VIII асрнинг бошлари. Панжикент	Смирнова 1963: 102- 114, №464- 603
3	Панч маликаси тангаси. <i>рпсу</i> <i>''δ</i> <i>β'tpnh</i> “Панчнинг (мартабали) олий маликаси”		VIII асрнинг биринчи ярми. Панжикент	Смирнова 1963: 92-93, №356-360
4	Панч маликаси тангаси. <i>рпсу</i> <i>ππδ</i> <i>β'npnwh</i> “Панч маликаси Нана”		VIII асрнинг биринчи ярми. Панжикент	Смирнова 1963: 93-97, №361-412; Смирнова 1981:241

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.** Ушбу нумизматик материаллардан маълум бўлишича, VII-VIII асрларда, яъни қарийб бир аср давомида Панч ҳукмдорлиги бошқарувчилари ўз тангаларини зарб қилдирган. Кўзга ташланадиган жиҳати шуки, танга зарбида муайян бир ҳукмдорлик номи акс

этмаган бир қатор Ўрта Осиё воҳа ҳукмдорликларидан фарқли ҳолда Панч тангаларининг барчасида “Панч ҳукмдори...” деган жумла учрайди. Шу билан бирга, , ,  кўринишларидаги тамғалар учраб, улар орасида бирмунча фарқлиликлар бўлишига қарамай, ўзаро умумийлик кузатилади (Бобоёров Ғ., 2010. – Б. 34-36). Бу бир томондан Панчни битта сулола вакиллари бошқаргани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ҳар бир ҳукмдор бошқарувга ўтиргач, Панч тамғасига бирор қўшимча илова қилган, дейишга асос беради. Бу эса Панчда ўзига хос танга-пул тизими бўлганидан дарак беради.

Шунингдек, дастлаб 630-йиллардан, кейинчалик эса 650-йиллардан бошлаб Хитойнинг Ўрта Осиё ҳукмдорликлари устидан сиёсий устунлиги кенгая бошлайди. Шу билан бирга, Хитойга бирмунча қарам бўлишига қарамай Ғарбий Турк хоқонлиги Ўрта Осиёдаги ўз вассаллари устидан назоратни сақлаб қолади. Буни ҳам ёзма манбалар, ҳамда нумизматик материаллардаги хоқонликка хос унвонлар учраши тасдиқлаб турибди (Babayarov G., 2021. – P. 31-50.).

Бундай тангаларнинг битта турида *рпсу MR'Y ст'wky'n* “Панч ҳукмдори Чамукйан” жумлалари ўрин олган бўлиб (Лившиц В.А., 1979. – С. 57-58.). О.И. Смирнова Чамукйан атамасини Амогйан деб ўқиган эди. Бир қатор изланувчиларнинг кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларида бу атама Чамукйан деб ўқилди ва бу атама Ўрта Осиёнинг бир неча воҳаларида ҳукм сурган Чамук хонадони вакиллариининг сулолавий номи, деб қарала бошланди (Лившиц В.А., 2008. – S. 232-236.). Хитой йилномаларида Чжаову кўринишида, араб манбаларида эса “жамук” шаклларида қайд этилган. Ушбу атама исломдан олдинги Самарқанд, Бухоро, Чоч ва ҳоказо каби йирик воҳа ҳукмдорликларининг сулолавий номи ўлароқ тилга олинган.

Яқин ўнйилликларда ҳам Панжикент ёдгорлигининг турли қисмларида, хусусан, VII – VIII асрларга тегишли маданий қатламларида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида исломдан олдинги Ўрта Осиё тангалари, айниқса, Самарқанд ҳукмдорлиги тангалари билан бирга кўплаб Панч

тангалари ҳам топилмоқда. Аслида ушбу казишмалар чоғида Чоч, Суғд, Турк хоқонлиги тангалари учраб турса-да, нумизматик топилмаларнинг катта қисмини Панч ва Самарқанд тангалари ташкил этиши аниқланди. Панч тангалари орасида эса нисбатан кўп учрайдиган нумизматик материалларнинг кўпчилиги Панч ҳукмдори Билга ва Панч маликаси тегишли эканлиги диққатни ўзига тортади.

**ХУЛОСА.** Хуллас, Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрларга тегишли тангаларини Панч ҳукмдорлиги тангалари асосида кўрб чиқиш шуни кўрсатдики, ушбу ҳукмдорлик ўзига хос танга-пул тизимига эга бўлган. Панч ҳукмдорлиги тангалари VII асрнинг ўрталаридан то VIII асрнинг биринчи чорагигача ўз тангаларини зарб қилдиришда давом эттиришган. Шунингдек, Панч тангаларининг барчасида бир-бирига ўхшаб кетадиган тамғалар ўрин олган. Бу эса Панч ҳукмдорлари бошқарувида кетма-кетлик ва узвийлик бўлгани, ҳар бир бошқарувчи ўз ҳукмронлиги чоғида ҳокимият рамзи сифатида танга бостиришни йўлга қўйгани, бунинг учун эса ўзидан олдин танга зарб қилдирган ҳукмдорларнинг танга бостириш анъаналарига мурожаат қилганидан дарак беради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Т.: Фан, 2014. – Б. 81-82.
2. Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // *Silk Road Art and Archaeology*, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196.
3. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 15.
4. Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент (Материалы 1949-1956 гг.). – М., 1963. – С. 92-97
5. Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 34-36.
6. Babayarov G. The Chinese influence on the Pre-Islamic coins of Transoxiana and Yettisu region // *Согдийский сборник*. Вып. 8. Lambert Publishing, 2021. – P. 31-50.
7. Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // *НАА*, №4, 1979. – С. 57-58.

8. Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки). – С. 57-58; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008. – S. 232-236.